

«(Улар) яна Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқиган нарсаларга эрга
шиб
кетдилар

•
Сулаймон
кофир
эмас
эди

,
лекин
одамларга
сеҳр
(жоду)

ни
хамда
Бобилдаги
Хорут
ва
Морут
номли
фаришталарга
туширилган
нарсаларни
ўргатадиган
шайтонлар
кофир
эдилар

•
(Икки фаришта):

«
биз
факатгина
синов
(воситасимиз, бизга ишониб)
кофир
бўлиб
колма

»,
деб
(огохлантирмагунча)

хеч
кимга
(сеҳрни)
ўргатмас

эдилар

.

Иккисидан

эр

-

хотиннинг

ўртасини

бузадиган

нарсани

ўрганар

эдилар

.

Лекин

улар

Аллохнинг

изнисиз

у

билан

хеч

кимга

зарар

етказа

олмаслар

.

(Хуллас,) **ўзларига**

фойдасиз

,

балки

зарарли

нарсаларни

таълим

олар

эдилар

.

(Аллохнинг китобини сеҳрга)

алмашганларга

охиратда

насиба

йўклигини

хам

яхши

билар

эдилар

.

Ўз

(насиба)

ларини канчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!

» (Бакара, 102).

Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби хакида Калбий бундай дейди: «Шайтонлар сеҳр-жодуга оид билим ва тилсимларни хазрат Сулаймон алайхиссаломнинг котиби Асафнинг тилидан ёзиб олдилар ва у зот намоз ўқийдиган ернинг тагига кўмдилар. Сулаймон пайгамбар алайхиссалом эса буни сезмадилар. У зот вафот этганларидан кейин шайтонлар ўша нарсаларни чиқариб, одамларга кўрсатдилар ва

«

Сулаймон сизнинг устингиздан мана бу нарсалар ёрдамида хукмронлик килди. Келинг, сизлар ҳам шу билимларни ўганинг!» дедилар. Бани Исроилнинг олимлари буни рад килсалар ҳам, оддий одамлари шайтонларни тасдиқладилар ва улардан сеҳр-жодуни ўргана бошладилар. Пайгамбарларининг китобларини рад килдилар. Бу хол Мухаммад алайхиссаломнинг Пайгамбар бўлиб келгунларигача давом этди. Кейинрок Аллох таоло Пайгамбаримизга Сулмаймон алайхиссалом бу ишдан пок эканлари хакида ушбу ояти каримани нозил килди.

«(Улар) яна Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқиган нарсаларга эргашиб кетдилар...»

оятидаги

«

Сулаймон подшоҳлиги

» хакида муфассирлар турли тафсирларни олга сурганлар. Имом Фахриддин Розийга кўра, хазрат Сулаймон алайхиссаломнинг мулки пайгамбарлигидир ёки мулкига пайгамбарлик киради. Сулаймон пайгамбарнинг кавми у зот мулкини сеҳр билан кўлга киритганини даъво қилиш билан худди у зотнинг мулки хусусида тухмат қилган бўлишади. Суддий айтади: «Оятда Аллох таоло китобларини ортига иргитган яхудийларнинг сеҳр-жодуга эргашганлари хакида хабар бермокда».

Суддий айтади: «Яхудийлар Тавротни олга суриб, хазрат Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга қарши чиқдилар. Бирок қарасалар, Таврот билан Куръон бир-бирига мувофиқлиги аён бўлди. Энди улар Тавротни ҳам бир четга ташлаб қўйиб, Асафнинг сеҳр китоби ва Хорут билан Морутнинг жодусига ёпишдилар».

Мухаммаб ибн Исхок айтади: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам хазрат Сулаймон алайхиссаломни пайгамбарлар орасида зикр қилганларида яхудий олимларидан бири бундай деган:

«Мухаммад Сулаймонни пайгамбар бўлган,

деб гумон кияпти. Холбуки, у факатгина сеҳргар эди!» Шу воқеадан кейин Аллох таоло
«Сулаймон кофир эмас эди, лекин ...

шайтонлар кофир эдилар

», оятни

нозил килди. Яъни ўша шайтонлар Сулаймон алайхиссаломнинг одамларга кўрсатган денгизда юриш, кушлару жинларни ўзига тобе килиш каби мўъжизаларини сеҳр-жоду деб талкин этганлар».

Ато дейди: «Ояти каримадаги «татлу» сўзи «ўкимок» маъносини билдиради». Ибн Аббос розияллоху анху эса бу сўзни «оркас идан келиш», «эргашиш» маъносида тафсир килган.

«...эргашиб кетдилар», оятини Ибн Жарир Табарий «устун тутдилар», деб тафсир килган.

«**Сулаймон кофир эмас эди...**» ояти билан Аллох таоло бу пайгамбарнинг гунохсиз эканини билдирмоқда. Ояти каримада ҳеч кимнинг Сулаймон алайхиссаломни куфрда айблагани айтилмайди, бироқ яҳудийлар у зотни сеҳргар деб ҳисоблаганлар. Сеҳр эса куфр бўлгани учун Сулаймон алайхиссаломни сеҳргар дейиш уни куфрда айблаш билан тенгдир. Оят давомида Аллох таоло **«...лекин**

одамларга сеҳр

(жоду)

ни ҳамда Бобилдаги Хорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар

», дейиш билан шайтонларни сеҳр-жодуни ўргатганлари сабаб кофир бўлганларини билдирмоқда.

Сеҳр, муфассир Розийга кўра, лугавий жихатдан «яширин ва сабаби номаълум нарса» деган маънони билдиради. Шариат истилоҳида эса сабаби яширин бўлган, кишилар онгига таъсир килиш оркали йўқ нарсани бордек кўрсатиш, кўзбўямачилик ва алдов максасида килинган ҳар қандай иш сеҳр даб аталади. Унинг хақиқийлиги масаласида ҳар хил фикрлар билдирилган. Ханафий олимлардан Газнавий ўзининг

«

Уюнул маъоний» асарида бундай ёзади:

«

Сеҳр, мўътазилийлар фикрича, асоси йўқ алдовдир. Шофеийлар эса сеҳрни

«

васваса ва касаллик» деб атаганлар. Бизнинг мазхабга кўра, сеҳрнинг асли юлдузлар хусусиятининг таъсирига таянувчи бир канча тилсимлар ва кийин ишларни осонлаштириш учун шайтонга килинадиган таъзимдир».

Фахруддин Розий сеҳрнинг хакикат эканини айтади. Унга кўра, сеҳрнинг хакикат томонлари бор. Аллох таоло сеҳр асносида истаганини яратади. Бошка томондан, сеҳрнинг бир қисми кўзбўямачилиқдан иборат.

Куртубий эса сеҳрнинг аслида хийла ва хаёлий шакллар кўрсатиш орқали бир нарсанинг асладан бошқача суратда намоён этиш эканини айтади. Бунинг натижасида сеҳрланган одамнинг кўзига ўша нарса асладан бошка суратда кўринади.

Шу ўринда сеҳр билан мўъжизанинг фарқини ажратиб олиш керак бўлади: сеҳр сеҳргар ёки бошка ҳар қим амалга ошириши, кўрсатиши мумкин бўлган нарса. Бир пайтнинг ўзида кўпгина одам сеҳрни ўрганиб, уни кўрсата олиши мумкин.

Мўъжиза эса фақат пайгамбарларгагина берилган, Аллох таолонинг изни билан керакли ўринда фақат шу пайгамбаргина кўрсата оладиган ҳолат. Мўъжизанинг ўхшашини кўрсата олиш ёки ундан ҳам катта гайтиоддий ишларни содир этиш имконини Аллох таоло ҳеч қимга бермайди. Бошка томондан жодугар пайгамбарлик даъвосини қилолмайди ва ўзининг қилаётган ишидан мўъжизанинг беҳад устунлигини яхши англайди. Шу маънода сеҳргар воситасида юзага келган ҳолатлар мўъжизадан фарқ қилади.

Хорут ва Морут арабча бўлмаган исмлардир. Тафсириларда бу икки фариштанинг одамларга сеҳр ўргатиш ва бошка қатор гуноҳлар қилишгани, сўнг эса дунё ва охираат жазосидан бирини танлаш ихтиёри берилганида дунё азобини танлашгани, шу боис ҳозирда азобланишаётгани ҳақида узундан узок тафсилотлар келтирилган. Аммо буларнинг бари заиф ва асли йўқ ривоятлар экани ҳам қайд этилгани учун уларни келтириб ўтирмадик. Зеро, фаришталар яратилишдан бегуноҳ бандалар бўлиб, Аллохнинг буюрганидан четга чиқмасликлари ҳақида Парвардигорнинг ўзи гувоҳлик берган (Қаранг: Анбиё, 26-27).

Бу икки фариштанинг туширилиш хикмати ҳақида Фахруддин Розий бундай дейди: «Мў

Ъжизанинг сеҳрдан фаркли эканини англаш учун олдин бу иккисининг нима эканини билиш зарур. Холбуки одамлар у пайтда сеҳрнинг мохиятини билмасдилар. Шу сабабли улар мўъжизанинг ҳам мохиятига етолмасдилар. Улар сеҳрнинг мохиятини англашлари учун Аллох таоло бу икки фариштани туширди».

«(Икки фаришта): **«биз факатгина синов** (воситасимиз, бизга ишониб) **кофир бўлиб колма», деб** (ого хлантирмагунча)

хеч

кимга

(сеҳрни)

ўргатмас эдилар...

» Оятдаги

«

фитна»дан мақсад Аллохга итоат килувчилардан исён килувчиларнинг ажралишига сабаб бўладиган имтиҳондир. Фаришталар гарчи одамларга сеҳрни ўргатиш учун тушган бўлсалар ҳам, олдин катъий огохлантиришарди:

«

Биз факатгина синов

(воситасимиз, бизга ишониб)

кофир бўлиб колма»,

яъни

«

Эҳтиёт бўл! Сен учун сеҳрни ўрганишдан мақсад унинг мўъжизадан фаркини аниқлаш бўлса-да, у туфайли турли гуноҳларга кўл уриб кўйишинг, натижада эса кофир бўлиб қолишинг хеч гап эмас!»

Бошқа тафсирларда ёзилишича, улар хеч кимга токи иймонидан воз кечмагунича сеҳрни ўргатмаганлар.

«Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганар эдилар». Яъни сеҳргар ботилни ҳақ кўрсатиш, хийла, гиж-гижлаш ва сеҳрнинг бошқа турлари билан э-хотин ўртасини бузиши мумкин. Инсонлар икки фариштадан факатгина шу даражада сеҳр ўргана олишарди. Чунки одамнинг жуфтига бўлган майли ва яқинлиги ҳар қандай бошқа муносабатдан устун экани – маълум ҳақиқат. Сеҳрнинг ана шу оила риштаси узилишига таъсири мумкин бўлса, бошқа нарсаларга бемалол таъсир қила олиши учун Аллох таоло бу ўринда эр-хотин орасини бузишни зикр қилган.

«Лекин улар Аллохнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар». Бу оятдаги «улар»дан мурод сеҳргарлардир.

«

Аллохнинг изни

» иборасидан Унинг амри эмас, балки иродаси ва ҳукми тушунилади. Зеро, барча воқеа-ҳодиса Аллох таолонинг илми, изни ва иродаси билан амалга ошади. Аммо У Зот ҳеч қачон ахлоқсизликка буюрмайди.

«(Хуллас,) **ўзларига фойдасиз, балки зарарли нарсаларни таълим олар эдилар**».

Яъни ўрганганлари ўткинчи дунё ҳаётида арзимас манфаат берса ҳам, охирада ўзларига зарар катта бўлади. Бу зарарнинг шу дунёнинг ўзидаёқ тегади, деган таъвиллар ҳам бор. Чунки эр-хотин орасини бузгани ошкор бўлиб қолган тақдирда жазоланиши муқаррар.

«(Аллохнинг китобини сеҳрга) **алмашганларга охирада насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар**». Яхудийлар Тавротни ташлаб қўйиб, шайтонлар ўқиган нарса (сеҳр)га маҳкам ёпишганлари учун охирада насибалари йўқлигини билардилар.

«**Ўз (насиба)ларини қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!**» Юқоридаги

«

билар эдилар

» билан бу ўриндаги

«

билсалар эди!

» жумлаларини қандай тушуниш мумкин? Имом Куртубий бундай жавоб беради:

«

Оятдаги билганлар шайтонлар, ўзларини сотганлар эса билмаган инсонлардир». Али ибн Сулаймон айтади:

«

Фикримча,

«

...

яхши билар эдилар

», оятдан мурод фаришталардир. Чунки уларнинг буни билишлари табиий». Зажжожга кўра, биладиганлар яхудий олимларидир.

«

Билсалар эди

» оятининг маъноси шуки, яхудий олимлари бу ишларни қилишлари натижасида

билмаган киши холига тушдилар. Чунки улар билганларига амал килмадилар ва сеҳр-жоду ўргатувчиларга эргашиб кетдилар.

Розийга кўра, улар охирада ўзларига насиба йўклигини биладилар, охирада манфаатини бой берганлари, охирада чекадиган азоблари ва жазонинг кай даражада эканини эса билмайдилар.

Куртубий ва Фахриддий Розий тафсирлари асосида тайёрланди.